

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАБАШЕВА ГУЛЗАВИРА БЕКТЕМИРОВА

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛУВ
МОТИВАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК
ТИЗИМИ
(Қорақалпоғистон мактаблари мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 37.091.33:811.512.133(575.172)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Бабашева Гулзавира Бектемировна

Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини
ривожлантиришнинг дидактик тизими (Қорақалпоғистон мактаблари
мисолида) 3

Бабашева Гулзавира Бектемировна

Дидактическая система развития учебно-познавательной мотивации
учащихся начальных классов (на примере школ Каракалпакстана) 25

Babasheva Gulzavira Bektemirovna

The didactic system for the development of educational and cognitive
motivation of primary school students (on the example of schools in
Karakalpakstan)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАБАШЕВА ГУЛЗАВИРА БЕКТЕМИРОВА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛУВ
МОТИВАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК
ТИЗИМИ
(Қорақалпоғистон мактаблари мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ped1741.рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жуманазар Базарбаев

фалсафа фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 19 март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 23 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» март куни тарқатилди.
(2021 йил «6» мартда 23 рақамли реестр баённомаси).



Б.П.Отемуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон педагогик амалиётида ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини кучайтириш, фан асосларини ўзлаштириш ва мустақил билиш фаолиятини рағбатлантириш омили сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, ўқувчиларда билишга қизиқишни ривожлантиришнинг инновацион-дидактик тизимини, Life Skills (ҳаётий кўникмалар)га асосланган компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда дидактик мослашувчанликни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш кўникмаларини ривожлантириш бўйича халқаро дастури (PIRLS) ассессмент топшириқларини тизимли қўллаш орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунёда бошланғич таълимда модулли ва индивидуал ўқитиш амалиётини жорий этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билишга эҳтиёжни шакллантиришнинг дидактик тизимини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ривожлантирувчи таълим концепцияларига устуворлик бериш асосида бошланғич синф ўқувчиларида универсал ўқув кўникмаларини шакллантиришнинг кваллиметрик асосларини аниқлаштириш, шахсий ижодкорлик кўникмаларини таркиб топтириш орқали когнитив компетенцияни шакллантиришнинг технологик асосларини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билув мотивациясини фанлараро интеграцияни таъминлаш орқали ривожлантириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамаизда ўқувчиларнинг мустақил, ижодий ва мантикий фикрлашини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, бошланғич синфлар учун компетенциявий ёндашувга асосланган миллий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва таълим амалиётига самарали татбиқ этиш устувор вазифа этиб белгиланган. Шунингдек, бошланғич синфлар учун янги авлод дарсликларини илғор хорижий тажрибалар асосида яратиш орқали ўқувчиларда билишга қизиқишни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари. – Т.: 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

мотивациясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш, ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда ўқувчиларни мустақил фикрлашини шакллантириш, болаларда ижодий қобилиятни ривожлантиришнинг мақбул усуллари, бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаоллигини оширишда нутқ ўстириш билан боғлиқ жиҳатлар С.Матчонов, У.Машарипова, Р.Сафарова, А.Ҳамроев, М.Ҳамдамова, Б.Ходжаев, Қ.Ҳусанбоева, Ш.Юсупова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Қорақалпоғистонлик олимлардан билиш фаоллигининг фалсафий асослари Ж.Базарбаев, педагогик ва психологик асослари К.Еримбетов, Г.Жумашева, Р.Нуржанова, А.Пазиллов, З.Шеримбетова ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Л.С.Выготский, В.В.Давыдов, В.А.Кобак, В.Л.Леонтьев, Я.Пономорев, В.Я.Стоюнин, О.К.Тихомиров, Б.Эльконин томонидан ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари, ўқув-билув кўникмаларини ривожлантиришнинг ёш ва педагогик-психологик хусусиятлари ёритилган.

Б.Блум, Г.Гарднер, Д.Гилфорд, Б.Клег, Ж.Пиаже каби кўплаб хорижлик психолог ва педагог олимларнинг тадқиқотларида шахс интеллектуал қобилиятлари ҳамда унинг ўқув-билув кўникмаларини ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Бироқ бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари, ўзига хосликлари ва шарт-

шароитлари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг дидактик тизимини ишлаб чиқишга доир махсус изланишлар олиб боришни тақозо этди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қорақалпоғистонда мактаб ва педагогик фикрлар тарихи” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш мазмуни ва босқичларини ёритиб бериш;

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоғистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 1016 нафар респондент-бошланғич синф ўқувчиси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш мазмуни, шакл ва услублари, воситалари, босқичлари ва дидактик тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатиш, сўровнома, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, савол-жавоб, суҳбат, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, қайта ишлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари интеллектуал фаолиятнинг когнитивлик даражаси интенсивлиги мнемоник фаолият, фикрлаш ва семантик хотиранинг ўзаро алоқадорлигига бевосита боғлиқлигини асослаш орқали аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг коррекцион босқичи ўқув топшириқларини кетма-кет бажариш жараёнида юзага келадиган интеллектуал қийинчиликларни юқори даражадаги

қизиқувчанлик ва эмпатия уйғунлигида бартараф этиш мантиғига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик жараёнлар ўқув материалларини ўзлаштиришнинг мотивацион, когнитив, рефлексив-баҳоловчи босқичларида жамоавий ва гуруҳий биргаликдаги фаолиятни амалга оширишнинг индивидуал натижаларга таъсири продуктивлигини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг интерфаол тизими грамматик ўйинлар, луғат ва матн устида ишлаш, Гарднернинг интеллект турфалиги назарияси, Блум кубиги бўйича амалий топшириқларни ностандарт дарсларда адаптив қўллаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга доир интерфаол машғулот ишланмалари ишлаб чиқилган;

“Бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини комплекс такомиллаштириш” номли услубий қўлланма чоп этилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш педагогик модели ва механизми ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил билиш фаоллигини оширишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларининг аниқланганлиги, билишга қизиқиш ва эҳтиёжларнинг ички намоён бўлиши, рефлексив кўникмаларни таълимий фаолиятда қўллай олиш даражаси интенсивлигининг ўзига хосликларини ёритиб берилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда назарий-педагогик шарт-шароитларнинг аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг интерфаол усуллари ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантиришнинг когнитив компетенция билан семантик алоқадорлигини бевосита ҳисобга олиш орқали ишлаб чиқилганлиги,

бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштирилганлиги, ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг алгоритмик босқичларининг аниқланганлиги, ўқиш ва матнни тушуниш саводхонлигини таркиб топтиришга йўналтирилган продуктив ва креатив фаолиятнинг таянч компетенциялар билан қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини таъминлаш йўллариининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, интеллектуал фаолиятнинг когнитивлик даражаси интенсивлиги мнемоник фаолият, фикрлаш ва семантик хотиранинг ўзаро алоқадорлигига бевосита боғлиқлигини асослашга доир таклифлардан “Тарбия” фани Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 16 декабрдаги 01/11-03/03-1516-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларида когнитив-ахлоқий компетенцияни шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг коррекцион босқичини такомиллаштириш, ўқув топшириқларини кетма-кет бажариш жараёнида юзага келадиган интеллектуал қийинчиликларни бартараф этиш, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик жараёнларни ташкил этишга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Халқ таълими вазирининг 2018 йил 14 декабрдаги 316-сонли буйруғи 2-илоvasи билан тасдиқланган халқаро тадқиқотларда иштирок этиш бўйича йўл харитаси ва ФЗ-2016-0908165532-рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алифбоси ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” (2016-2018 йй.) фундаментал лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 16 декабрдаги 01/11-03/03-1516-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг интерфаол тизимини грамматик ўйинлар, луғат ва матн устида ишлаш, Гарднернинг интеллект турфалиги назарияси, Блум кубиги бўйича амалий топшириқларни ностандарт дарсларда адаптив қўллаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А1-ХТ-0-92997-рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” (2012-2014 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 октябрдаги 89-03-4073-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билиш, ижтимоий ва ахлоқий мотивларнинг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, тадқиқот ҳажми 139 саҳифа матндан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари баён қилинган, объекти ва предмети аниқланган, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари”** номли биринчи бобида илмий-педагогик муаммонинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳамда унга қўйиладиган дидактик талаблар хусусида сўз юритилади.

Дарҳақиқат, шахс қобилияти, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга педагогика ва психология фанларида алоҳида эътибор берилётгани жамият ва илм-фан тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Юртбошимизнинг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “...ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усуллари жорий этиш” мақсадининг белгиланиши ўқувчи-ёшлар интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш миллий тизимини янада такомиллаштириш механизминини тақозо этади. Чунки глобаллашув шароитида болаларда кўрақ ёзаётган илк истеъдод нишонларини ўз вақтида пайқаш ҳамда тўғри йўналтиришнинг қулай ва оптимал технологиясини жорий этиш масаласи давр талабидир.

Бугунги кунда шахс қобилиятларини ривожлантириш педагогика ва психология фанида тадқиқ қилинаётган муаммолар каторида бўлиб, сўнгги йилларда бу борада кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Қадим Шарқда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккир олимлар томонидан таълим-тарбия

жараёнида болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, шахсий сифатларини ривожлантиришга индивидуал ёндашиш масалаларига алоҳида эътибор қилиш орқали маънавий ва жисмоний етуклик фалсафаси яратилган.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда қобилиятли болалар учун иқтидор диагностикаси ва ўқитиш услубларини яратиш юзасидан етарлича тажрибалар тўпланганлиги ўқув-билув мотивациялари ривождаги муҳим омиллардан саналади. Бу борада алоҳида ўқув дастурлари ишлаб чиқилган, таълим-тарбия олиб борадиган масъулларга алоҳида талаблар қўйилган. Мазкур фаолиятга таълим вазирликлари, таълим муассасалари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари кенг жалб этилган. Масалан, Австрияда иқтидорли болалар учун ҳар бир округда махсус дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, мактаб ва мактабдан ташқари тадбирлар, танловлар, викториналар, олимпиадалар тез-тез ўтказилиб турилади. Иқтидорли болалар билан шуғулланувчи ўқитувчиларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилади. Буюк Британия қонунчилигида иқтидорли болалар категориялари қайд этилмаган. Аммо оддий синфларда иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ўқув-билув фаолиятига мотивация беришишлари аниқ мақсад ва режа асосида ташкил этилади. Ҳар бир мактабда иқтидорли болалар тарбиясига махсус ёрдам фонди белгиланади. Буларнинг замирида, албатта, маънавий етук шахс камолоти кўзланади.

Ўтган асрларда олимлар томонидан таълим олувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу борада америкалик педагог Джон Дьюининг ривожлантирувчи танқидий фикрлашни шакллантириш тамойиллари тавсия қилинган. Россиялик олим Л.С.Выготскийнинг *энг ривожланиш соҳаси назарияси*да таълим боланинг ривожланишини ўзига эргаштириб бориши масаласи тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизда таълим олувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш масалалари М.Давлетшин, Э.Ғозиев, М.Зуфарова, В.Каримова, П.Иванов, Р.Сафарова, Ф.Рўзиев, З.Нишонова, Б.Б.Маъмуров Қорақалпоғистонда Г.Жумашева, Х.Галикеев, Қ.Еримбетов, А.Н.Урумбаева ва бошқаларнинг изланишларида педагогик ва психологик нуқтаи назардан текширилган.

Ўқувчиларнинг она тили имкониятларидан кенг кўламда фойдалана олишлари уларнинг ўқув-билув мотивлари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки она тилидаги сўз бойлиги таълим олувчиларнинг билиш фаоллиги ривожини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис таълимда бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивларини ривожлантириш долзарб масала саналади.

Мотивация ва билиш бир-бирини тақозо этади, яъни мотивлар орқали у ёки бу кўринишдаги мақсадлар амалга ошади. Мотивация тушунчаси, назаримизда, ўзида мақсад-муддаоларга эришишда туртки берувчи, мажбурловчи, шахс хусусиятлари юзага чиқишига омил сифатида муайян хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилишидир. Таълим-тарбия жараёнидаги аҳамиятини ўқувчи онгида муайян билим ва тушунчаларнинг идеал акси

сифатида намоён бўлишида кўриш мумкин. Вазифаларни ўз тасаввуридаги каби уддалай олиш, воқеликка ижодий ёндашиш, жамоа олдидан интеллектуал имкониятларини кўрсата билишга интилиш кабиларни мотивациянинг кўринишлари сифатида қараш мумкин. Бу жиҳатлар билимларни онгли равишда эгаллаш, ўз иқтидорини англаган ҳолда имкониятларини кенгайтиришда ҳам ақс этади. Демак, мотивация шахс эҳтиёжлари инъикоси сифатида ўзини-ўзи тарбиялаш, мақсадга эришиш ва муайян натижани тизимли ва тадрижий эгаллашга майл уйғотувчи кучдир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув фаоллиги; креатив ёндашувлар; узлуксиз таълимда мустақил, танқидий, ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг илмий-педагогик ва методик асослари Б.Адилов, Р.Сафарова, Б.Ходжаев, Г.Боймуродова, Х.Галекеев, Р.А.Йулдашев, Ш.У.Нуруллаева, Ш.Сариев каби педагог олимлар тадқиқотларида ўрганилган.

Таҷрибалардан кузатиладики, ўқув-билув мотивациялари ижтимоий таҷрибаларни ижодкорлик билан ўзлаштириш ва уларни ҳаётда қўллай олишда алоҳида ўрин тутди. Бу эса таълим-тарбиядан кўзланган асосий мақсад: ижодкорлик, теварак-атроф, борлиқ-оламга ижодий муносабат, яратувчанлик сифатларининг шахсда болаликдан шаклланиб, меҳнат фаолияти ва кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар орқали такомиллашиб боришини тақозо этади.

Маълумки, бола тафаккури, қизиқиши, ҳаётот олами ва мойилликлари, асосан, бошланғич синфлардан шаклланиб индивидуал қиёфа касб эта бошлайди. Бу даврда ўрганилиши кўзда тутилган ўқув фанларининг ҳар бири боладаги ҳиссий-иродавий хусусиятлар ва билиш жараёнларининг қайсидир бирига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Масалан, математика дарсларида мантиқий тафаккур ва хотира; ўқиш дарсларида ҳис-туйғу, нутқ маданияти, коммуникативлик; она тили дарсларида боғланишли нутқ, ижодий фикрлаш; тасвирий санъат дарсларида тасаввур, ҳаёл, фантазия; жисмоний тарбия дарсларида ирода, характер хусусиятларини тарбиялаш мақсадига оид таълимий вазифалар амалга оширилади. Айниқса, она тили таълимида ўқувчилар ижодий тафаккурини камол топтиришда ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш алоҳида ўрин тутди.

Мазкур фанларни ўқитиш жараёнида билиш жараёнлари ривож ва билим олишга мотивация берувчи бир қатор таълим стратегиялари қўлланилади. Бадиий асарларни ўрганишга доир ўқиш дарслари (такрорлаш, мустаҳкамловчи, умумлаштирувчи)да ижодий характердаги ўқув топшириқлари ёки уй вазифалари ўқувчиларнинг билиш жараёнларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бошланғич синфларда таълимий характердаги иншолар ўтказилади. 3-синфдан бошлаб текширув иншоларга мурожаат қилинади. Бола мактабга келган дастлабки кунлардан бошлаб оғзаки иншога ўргатилса, 1-синфнинг якуни, 2-синфдан бошлаб ёзма иншога одатлантирилади. Қорақалпоқ мактабларининг бошланғич синфлар учун “Она тили” дарсликлари таҳлил

қилинганида, асосан, расмли иншо ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани кузатилади. Масалани 3–4-синфлар “Она тили” дарсликлари мисолида кўриб чиқамиз (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ижодий ишларнинг синфлар кесимидаги қиёсий таҳлили

№	Синф	Машқ	Мавзу	Бажарилиш шарти
1	3	314	Кутубхонада	Расмни кузатинг. Унга сарлавҳа топинг. Шу расм ва берилган саволлар асосида, “Кутубхонада” мавзусида иншо ёзинг.
2	3	336	Мавзусини кўйинг	Берилган сўзлар асосида расмга қараб режа тузиб кичик матн ёзиш.
3	4	59	Зағча	Ифодали ўқинг. Қора ҳарф билан ёзилган сўзларнинг қўшимчаларини топинг. Улар қанақа хизмат бажаради?
4	4	103	Парвоз этиб юрган сўзлар берилган	Маъносига қараб жуфт сўзлар ясанг. Жуфти алоҳида турганда маъно билдирадиган жуфт сўзларнинг тагини чизинг

Жадвалдан кўринадики, берилган мавзулардаги иншоларнинг аксарияти кузатишлар ва расм асосида ижод қилиш мақсадига қаратилган. Шу сабабли ҳам бундай шакл ва мазмундаги иншолар эркин тарзда, ўқувчиларнинг ўзлари гувоҳи бўлган, эшитган ёки таниш мавзуларга таянилиб яратилади.

Ўқитувчининг теварак-атрофдаги ўзгаришларни кузатишга доир топшириқлар бериши; адабиёт ва санъат намуналари билан мунтазам танишиб боришини йўлга қўйиши; зарур манбалар билан таъминлаши; мустақил ишлашга қулай муҳит яратиши каби таълимнинг дидактик тамойилларини эътиборга олиши ва бунда болаларнинг физиологик-психологик хусусиятларини назарда тутилиши ўқув-билув мотивлари ривожда ўзининг ижобий самарасини беради.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш мазмуни ва амалий технологик тизими”** мавзусидаги иккинчи бобида ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш механизми ҳамда унга замонавий ёндашувлар технологияси таҳлилга тортилади.

Жамият томонидан умумий ўрта таълимнинг бошланғич бўғини олдига қўйиладиган энг муҳим вазифалар билан боғлиқ ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини такомиллаштириш, китоб билан ишлаш орқали саводхонлигини ошириш, нутқини ва ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш талаби замида ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш масаласи туради. Зеро, бошланғич синф она тили дастури тамойилларида ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш масаласи ҳам ўрин олган. Шу боис ҳар бир бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчилар ўқув-билув кўникмаларини ривожлантиришда амалий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун, биринчидан, нутқ ўстириш бўйича иш мазмуни, хусусан, ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган аниқ нутқий

малакаларни, иккинчидан эса, таълимни ташкил қилиш усуллари, тегишли машқ турлари кабиларни аниқ тасаввур қилиши муҳим. Бошқача айтганда, у ёки бу грамматик-орфографик малакаларни шакллантиришда ўқув-билув мотивацияси қандай ўрин тутишини аниқлаб олиши лозим.


Ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишлар мазмунини бойитишда ўқитувчи махсус нутқий машқлар билан бир қаторда матнларда мавжуд тилнинг ифода воситалари юзасидан ҳам топшириқлар бериб борса, бу борада муайян натижалар таъминлади. Масалан, 2-синфда “Сўз таркиби” мавзуси бўйича биринчи дарсдаёқ ўқитувчи “турдош сўзлар” тушунчасини изоҳлагач, айрим жуфтликларга қайтади: *боғ-боғча, кўрна-кўрпача, қўзи-қўзичоқ*. Сўнгра ўқувчиларга “Ушбу сўзлар маъносига кўра яқин экан, уларни доим ҳам нутқимизда алмаштириб қўллаш мумкинми?” саволи берилади.

Бошланғич таълимнинг она тили ўқитиш дастурларида ўқувчиларни маънодош сўзлар, қарама-қарши маъноли сўзлар билан таништириш орқали уларда сўзнинг луғавий маъносини англаш, луғат бойлигини ошириш, сўзларга сайланма муносабатда бўлиш малакаларини шакллантиришга эътибор қаратилади.

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда мустақил ишлар долзарб аҳамият касб этади ва у ҳар бир ўқувчининг индивидуал ишидир. Мустақил иш дарснинг барча босқичларида ўтказилиши мумкин. Она тили фанидан мустаҳкамлаш дарслари ўтказилар экан, асосий эътиборни мустақил ишлар орқали ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга қаратиш жоиз. Умуман, синфда ижодий вазият яратишда грамматик таъриф ва қоидалар учун танланадиган мисоллар ва дидактик материаллар муҳим ўрин тутди.

Дарс жараёнида назарий маълумотларни мустаҳкамловчи қуйидаги иш турларидан фойдаланиш мумкин:

Грамматик ўйинлар. Масалан, фонетикани ўтиш даврида «ай», «бас», «яки», «ҳам», «ол» каби сўзларни синф тахтасига ёзиб, ўқувчилар иштирокида бир ундош товушни қўшиш билан сўзларнинг маъноси қандай ўзгариши тушунтирилади. Масалан, **Ай** сўзидан бай, жай, май, пай, сай, тай каби бир қанча сўзларни ҳосил қилиш ва маъносини изоҳлатиш мумкин.




3-синфда “Сўз таркиби” мавзусини мустаҳкамлашда қуйидаги мазмундаги қизиқарли ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим олишга бўлган мотивациясини оширишга хизмат қилади:

Қайси сўзлар ҳам сўз, ҳам кўшимча сифатида қўлланилади? Масалан:

-хана	-паз	-кеш
асхана (ошхона)	аспаз (ошпоз)	пахтакеш (пахтакор)
жатақхана (ётоқхона)	илимпаз (олим)	мийнеткеш (меҳнаткаш)

Ўқув материаллари ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш характериға эға. Ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдаги турли машқлар, ёзма ишлар асар матнини ўрганишда, болаларнинг нутқини ўстиришда ёрдам беради. Ўтилган асар матнини қайта ҳикоялатиш, кичик сюжетли матн режасини тузиш, таълимий иншоға материал тўплаш, тўпланган материални тартибға солиш, муҳоама, грамматик топшириқли, грамматик мавзуда иншо ёздириш, газета ва журнал материаллари асосида мақола ёзиш, муҳоама иншо ёзиш каби ишлар ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиради.


Юқорида тилға олинган фикр-мулоҳазалар асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш механизми таклиф этилди (2.1-схемаға қаранг).



2.1-схема. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш механизми

Ўқувчилар ўқув-билув мотивацияси ривожда Гарднер назариясининг қуйидаги саккиз типини самарали деб топиш мумкин: вербал-лингвистик, мантикий математик, визуал-фазовий, мотор-ҳаракатли, мусикий-ритмик, шахслараро, ички шахсий ва табиатшунос (натуралист)лик интеллектларини ривожлантириш.

Юқоридаги фикрларга таяниб, тадқиқот доирасида ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2.2-схемага қаранг).



2.2-схема. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш модели

Демак, ўқувчиларнинг чуқур мушоҳада юритишини талаб этадиган савол ва топшириқлар мавзуга нисбатан ижодий ёндашувни тақозо қилади, мустақил фикр юритиш асосида умумлашмалар қилиш ва хулосаларга келиш кўникма-малакаларини шакллантиради. Бу эса соҳа мутахассислари ва тажрибали ўқитувчилар томонидан амалдаги дарсликлар мазмунига халқаро баҳолаш дастурлари мезонларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилишига бевосита дахлдор.

Замонавий она тили ўқитиш методикасида нутқ ўстириш ва ижодий тафаккурини уйғунликда ривожлантириш ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ муаммо саналади.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш жараёни ва самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг мазмуни ифодаланади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар мазмуни бошланғич синф она тили фанидан давлат таълим стандарти, ўқув режаси, дастур талаблари ҳамда диссертация мақсад ва вазифалари асосида белгиланиб, амалиётга татбиқ этилди. Қайд этилган диссертациялардаги таълим сифати ва самарадорлиги муаммоси билан боғлиқ ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш жиҳатларига бағишланган ушбу тадқиқот мазмуни бошланғич синф она тили фанидан давлат таълим стандарти, ўқув режаси, дастур талаблари ҳамда диссертация мақсад ва вазифалари асосида белгиланиб, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқотга оид тажриба-синов ишларининг биринчи босқичи (2010–2011 йй.)да мавзуга дахлдор фалсафий, психологик, педагогик ва методик адабиётлар ўрганилди. Иккинчи босқич (2012–2016 йй.)да муаммо юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 25-сонли умумтаълим мактабида, тадқиқотчининг шахсан ўзи ўқитадиган 1-д (2012–2013 йй.), 2-д (2013–2014 йй.), 3-д (2014–2015 йй.) ва 4-д (2015–2016 йй.) синфларида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Учинчи босқич (2016–2017 йй.)да иккинчи босқичдаги олинган натижалар 25-умумтаълим мактабининг бошланғич синфларида қайта тажриба-синовдан ўтказилди ва айрим масалаларга аниқликлар киритилди. Тўртинчи босқич (2017–2019 йй.)да олинган натижалар Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 16-, 25-, 39-, Қораузак туманидаги 11-, 15-, Хўжайли туманидаги 6-, 8-, Чимбой туманидаги 32-, 40-сонли умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида тажриба-синовдан ўтказилди. Яқунловчи босқич (2019–2020 йй.)да илмий-тадқиқот ишлари умумлаштирилди ва диссертация ҳолатида расмийлаштирилди.

Тажриба гуруҳида ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга доир илғор педагогик ёндашувлар, ахборот технологияларини татбиқ этиш юзасидан педагогик тизимга асосланган тадқиқот ишлари олиб борилди. Назорат гуруҳида эса анъанавий ўқитиш тизимига таянилди.

Тажриба-синов ишлари моҳияти бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, мавзуга тегишли илмий-методик

адабиётлар ва илмий-тадқиқот ишларининг педагогик таҳлилини амалга ошириш асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тарзида белгилаб олинди. Ҳал қилинадиган педагогик вазифалар кўлами аниқлаштирилди.

Тажриба-синов ишлари қуйидаги лойиҳа асосида олиб борилди:

тажриба-синов ишларининг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш;
тадқиқот муаммосининг тажриба-синовдан аввалги ҳолатини ўрганиш;
аниқланган муаммо ва камчиликларнинг объектив ва субъектив сабабларини таҳлил қилиш;

тажриба-синов жараёнида шакллантирилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаш;

тажриба-синов мезонларини ишлаб чиқиш;

тажриба-синов ишлари базасини тайёрлаш, тажриба майдонларини танлаш;

тажриба-синовнинг ҳуқуқий асосларини расмийлаштириш;

тажриба-синов ишлари ўтказиладиган умумий ўрта таълим мактаблари респондентлари сонини аниқлаб, уларни тажриба ва назорат гуруҳларига ажратиш;

тажриба-синов ишларининг объектив ва мақсадга мувофиқ ўтказилиши учун масъулларни белгилаш, уларга вазифаларини тушунтириш;

тажриба-синов ишлари лойиҳасини тайёрлаш ва шу асосда иш юритиш;

тажриба-синов ишлари натижаларини ёритиб бориш, таҳлил қилиш, солиштириш ва расмийлаштириш.

Тажриба-синов ишлари моҳияти бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва унинг педагогик таҳлилини амалга ошириш тарзида белгилаб олинди. Ҳал қилинадиган педагогик вазифалар кўлами аниқлаштирилди.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари якунида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш қай даражада ортганлиги бошланғич синф она тили таълимининг таянч ўқув режаси, ўқув дастури, малака талаблари ва баҳолаш тизими каби мезонлари асосида аниқланиб таҳлил қилинди.

Тадқиқот давомида тажриба-синов ишларига статистик таҳлил учун репрезентив тарзда танлаб олинган 48 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ва 1016 нафар (506 нафари тажриба гуруҳида, 510 нафари назорат гуруҳида) бошланғич синф ўқувчилари иштирок этди. Якуний сўровномаларда қатнашган тажриба синов синфларидаги ўқувчиларнинг жавобларидан олиб борилган ёндашувлар таъсирида ўқув-билув мотивацияси ижобий томонга ўзгаргани аён бўлди.

Ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивацияси ривожини бевосита ўқитувчининг компетентлиги, бу борадаги билим ва малакаларини оширишга зарурат мавжудлиги маълум бўлди. Айнан шу мазмундаги саволлар тажриба-синов якунида ўтказилганда ижобий томонга ўзгариш кузатилди. Бу ўқитувчиларнинг ўқувчилар ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш бўйича ўтказилган сўровнома натижаларида ўз аксини топган (3.1-жадвалга қаранг).

3.1-жадвал

Ўқувчиларнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантириш бўйича ўқитувчилар билан ўтказилган сўровнома натижалари

№	Саволлар	Ўзлаштириш %	
		Тажриба аввалида	Тажриба якунида
1	Ўқув-билув кўникмаларини шакллантириш деганда нимани тушунасиз?	66	71
2	Ўқув-билув кўникмасини шакллантиришда қайси методларни қўллайсиз?	68	74
3	Ўқув-билув кўникмаларини шакллантиришда мустақил ишлар қандай ўрин тутади?	65	72
4	Савол ва топшириқлар ўқувчилар ўқув-билув мотивациясини оширишда қандай натижаларни кафолатлайди?	56	71
5	Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятида қандай ёндашувларни самарали деб биласиз?	61	72
6	Ижодий ёзма ишларни ташкил этишнинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришдаги аҳамиятини баён этинг.	67	72
7	Қандай омиллар нутқ ўстиришда муҳим аҳамиятга эга?	66	74
8	Саводхонлик ва ўқув-билув кўникмалари ўртасида боғлиқлик борми? Фикрингизни мисоллар орқали тўлдилинг.	63	70
9	Халқаро баҳолаш дастурлари (PIRLS, PISA, TIMSS)да ўқув-билув кўникмаларини шакллантириш бўйича қандай талаблар белгиланган?	65	71
10	Фанлараро интеграциянинг ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришда қандай самараси бор?	70	76
	Жами	65 (647)	72 (723)

Жадвал кўрсаткичлари таълим-тарбия жараёнида ўқув-билув мотивацияси даражаси юқори эмаслигини тасдиқлайди. Таъкидловчи тажриба кўрсаткичлари асосида шакллантирилган жадвалда кўрсаткичлар ўрганилаётган ҳолатнинг ижобий томонга ўзгарганлигини тасдиқлайди (3.4-жадвалга қаранг).

3.4-жадвал


